

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий
ходими **Шириной Йигиталийева***

Наманганда XIX асрнинг бошларига келиб асосан “Чуст” дўппилари удум бўлди. Бундай дўппиларнинг шакли тўрт бурчак, тепаси тўрт томонли, учбурчаксимон қатланадиган, ясси, техникаси “пилтадўзи”, қоғоз билан пилталанган. Кашта асосан оқ ипак билан тикилиб, гулғунчалари “кўз”ларига гулоби, сариқ, тўқ қизил, тўқ яшил, сиёҳ ранглар танланади. Кичик ёшдаги болаларнинг дўппиларига кўпроқ рангли ипаклар ишлатилади.

“Чуст” дўппилари тўрт каржли бўлиб, карж чизиқлари бўртиб туради. Аврасига қора, тўқ кўк ҳамда мошранг сатин (лас) матолар ишлатилади. Тепа қисмининг ҳар бир каржига бир дона қалампир нусхаси тикилади. Ҳозирги кунгача дўппидўз чеварлар томонидан “чуст” дўппиларининг кўплаб янги нусхалари яратилиб, янада сайқал топмоқда. Чуст дўппилари ҳам ўз яратувчиларининг диди, меҳри ва маҳорати натижасида хақиқий санъат даражасига етган.


Дўппиларнинг “зира” нусхасини андижонликлар севиб кийишса, наманганликлар кўпроқ “инжиқ” деб ном олган дўппиларни яхши кўрадилар. Чуст дўппиларини нафақат Республикамизнинг барча вилоятларида балки қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон каби давлатларда ҳам севиб кийишади. Ўзбекистоннинг кўп жойларида расм бўлган Чуст дўппи қора таглиги, қалампир нусха нақши ҳамда ёнларида устунчалари борлиги билан ажралиб туради. Чуст дўпписи умумиллий бош кийими даражасига айланган.

Наманган вилоят чеварлари тиккан Чуст дўппилари нақшларнинг кескинлиги (яхлит бодом шаклининг қиска ва кескин қамралган учлари бор) ва ён бошининг анча катталиги билан фаркланади. Чуст йўналишидаги Марғилон дўппиларида қалампир шакли нозик, ингичка ва

майин Марғилон хотин қизлари дўппиларининг ўзига хослиги шундаки, уларнинг таглиги яхлит оқ ипларда тикилади.

Безагидаги асосий мавзу-гуллаётган бута, баъзан унинг шохида турган яшил ёки кўк рангдаги куш бўлиб бундай дўппилар Фарғонанинг марказий ва ғарбий қисмидаги барча жойларига хос. Фарғона водийсининг “Сандали”, “Аққа икки сўм”, “Чимбой”, “Сурка-чекма” каби турли хил дўппиларидаги нақшлар соддалиги билан фарқланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича Наманган дўписи юқори томонидаги гулнинг тасвири она қорнидаги 3 ойлик эмбрион тасвирига ўхшармиш.

Мутахассислар ушбу безак шунчаки қалампирнусха эмас, балки она ва болага нисбатан рамзий ишора эканлигини айтиши ҳақиқатан ҳам, мазкур нақшларни, бор-йўғи, қалампир нусхаси дейиш ноўриндир.



“Чуст нусха”.

Тепага бўйи ва эни 22 сантиметрдан сидирға қора сатин олинади. Унга тиш порошоги қоришмаси ёрдами билан бодом нусха туширилади. (Тиш порошоги составида елим ҳам сув бўлади). Кизакнинг узунлиги 59-60, 7,5-8 сантиметр бўлади. Чуст дўппи андозада берилгандек турли чок нусхаларида йўрма, илмоқ, занжир, арча япроқ ва сидирға чоклар

тартибида тикиб борилади. Чуст дўппини ҳам ироқи нусха дўппидек тайёрланади. (Жиякнинг ип ёки ипак ленталиси ишлатилади) қолипдан олингач, тўрт карждан чохлаб ҳар каржига дазмол урилади ёки тахтакачланади.

Матога дўппи нақшини тушириш усули: Матога дўппи нақшини туширишда нақшнинг жойлашиши ва ёрқин тасвири. Ҳоқа, тўғридан тўғри нусхага қараб матога нақш чизиш, кўклаш, нусхага қараб санаб тикиш усулларида матога дўппи нақшини туширишдир.



Дўппидўзлар бир дона дўппини тикиш учун 16 босқични амалга оширадилар. Ана шундай машаққатлар ила сабр бардош билан меҳнат қилар эканлар ҳар бир дўппига ўзларининг қалбларидаги барча яхши ниятларини ўз маҳсулотларига меҳр бериб сингдирадилар. Дўппиларда дилбар табиати, аёлларимизнинг нафислиги, латофати ва орзу-умидлари ифодаланади. Тикувчи ҳар бир нақш тикканда унинг маҳмуни дўппини инсон қўлига етиб борганда тилга кириб унга тилак билдириши ва ҳамроҳ бўлишини ният қиларкан. Ана шу ниятлар дўппини бошига кийганда инсон вужудига сингиб борар экан деган нақл ётади.

Республикамизда дўппининг барча турдаги намуналарини Ўзбекистоннинг барча музейларида сақланиб келиниб, музей кўرғазма залларида намойиш этилмоқда. Намаган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам бугунги кунда турли услубларда тикилган дўппилар

хазина бўлимида сақланиб келинмоқда ва музей экспозицияларида
намойиш этилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И. Жабборов «Узбек халк этнографияси» Т-1996.
2. «Узбек энциклопедия» си Т-1997
3. www.pedagog.uz
4. www.ziyonet.uz